БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. | № 255 (6. 744) | 1988 йил 7 ноябрь, душанба | Баҳоси 3 тийин

БАШАРИЯТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Тошкент, 1988 йил 7 ноябрь

Тошкентда ҳарбий парад ва меҳнаткашларнинг намойиши ҳақида В. И. Ленин номидаги майдондан репортаж

СУБҲИ содиқ жамоли билан осмон чеҳраси сутдек оқариб, Тошкентда тонг отди. Қуёш олтин нурларини сариқ ипак каби тараб юборди. Азим шаҳримизнинг меҳнаткашлари бу гўзал айём тонгини тинчлик-хотиржамлик билан, фаровон турмуш тарзи, сиҳат-саломатлик ва она-Ватанга миннатдорлик туйғуси билан хушнуд кутиб олдилар. Улуғ Октябрь қуёши халқларимизга бахт-саодат нурини сочиб, етмиш биринчи фусункор тонггача олиб келди.

Етмиш бир йил! Башарият тарихи учун қисқа бу давр минглаб асрларга татийди. Бу даврда бахту саодат, севинч-қувонч, ташвишу тилаклар жўш урди, жонажон Коммунистик партиямиз халқлар дўстлиги, тинчлиги, фаровон турмуши учун, алангали йиллардан шу етмиш биринчи йил тонготаригача, бундан буёнги олам тинчлиги учун чексиз ғамхўрликлар қилиб келмоқда.

Нурафшон тонг билан диллари равшан тортган кўп миллатли Тошкент меҳнаткашлари В. И. Ленин номидаги бош майдон сари дарё оқими каби ошиқади. Она Тошкентимизнинг кўчалари, майдонлари, боғ-хиёбонлари, ҳордиқ масканлари гул-гул яшнаб кетган. Чеҳралар ҳам гулгун. Миннатдор халқимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 71 йиллигини нишонлаш, ўзларининг бахтли турмушларини, меҳр-муҳаббатларини доҳиймиз В. И. Ленинга изҳор этиш учун ял-ял яшнаган майдон сари ошиқадилар.

Юрак талпинади, минг-минглаб юраклар ягона қуёшга айланиб В. И. Ленин номидаги майдон сари талпинади. Фахр билан беихтиёр файласуф шоиримиз Мақсуд Шайхзоданинг «Тошкентнома» қасидасидан мана бу сатрлар ёдга тушади:

Қизил майдон эмас кўп эски,
Тарихчига лекин етарли.
Янги замон учун у кўзгу,
Ўзи очиқ китоб деярли.
Унинг ҳусни мангу ёшликдир,
Эллар билан қадамдошликдир,
Ҳайкал гўё замон саҳнида
Бошлаб борар адил бинони.
Ҳикматини халқлар фаҳмида —
Тўғри ўқиб, уқди маънони.
Биз Лениннинг усулин қўллаб,
Бу диёрда давлат қурганмиз.
Коммунизм уфқин мўлжаллаб
Ўртоқлашиб ҳукм сурганмиз.
Олий бино... давлатхонамиз,
Оқ кунимиз, оқ кошонамиз...
У бинода, баланд равоқда,
Эл бахтидан нурлар сочилган,
Кишанларни узган тупроқда
Оқ мармардан лола очилган.
Бу бинода мен сайлаб қўйган
Раисим бор, ҳукуматим бор.
Пештоқига нақш қилиб ўйган
Ўроқ-болға аломатим бор.
Республика муҳри шу ерда
Фармонларга босилар вазмин.

В. И. Ленин ҳайкали пойи сон-саноқсиз гулдасталар билан яшнаган. Доҳий ғоялари доим барҳаётлигига рамзий аталган бу гулдасталар жамолида халқимизнинг жонажон Коммунистик партиямизга, Совет ҳукуматига чексиз меҳр-муҳаббатининг ифодаси бор.

Яшасин Улуғ Октябрнинг 71 йиллиги!

Октябрнинг етмиш бир йиллиги тонги нурли ва чароғон келди.

Эрталаб соат 10. В. И. Ленин ҳайкали пойидаги ҳукумат минбарига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, республика партия ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари кўтариладилар.

Командалар янграйди. Парад қўмондони — Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант И. Фуженко майдонга усти очиқ машинада кириб келган Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони армия генерали Н. И. Поповга байрам рапортини топширади. Рапорт қабул қилинганидан кейин у парад иштирокчиларини байрам билан қутлайди ва табрик нутқи сўзлайди.

Орадан кўп ўтмай ёш барабанчилар майдонга кириб келадилар, ҳарбий парад тантанавор бошланади, меҳнаткашлар вакиллари саф тортиб ўта бошлайдилар. В. И. Ленин номидаги майдон узра Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик, Бахт-саодат сўзлари баралла янгради. Эл-юрт ҳурмат-иззатига сазовор бўлган халқимизнинг энг муносиб фарзандлари шод-хуррам, фахр-ғурур ва байрам нашидаси билан бош майдондан ўтиб борадилар. Шонли Қизил армиямиз вакиллари, турли миллат, турли касб-кордаги ва турли ёшдаги кишилар бош майдондан бир тан, бир жон бўлиб ўтиб борадилар. Мана шу лаҳзаларда Улуғ Октябрнинг буюклигини чин юракдан яна бир бор ҳис этамиз. Чунки, Октябрь турли миллатларни бирлаштирди, дўсту қадрдон қилди, меҳнаткаш халқни улуғлади, уларнинг турмуш тарзини гўзаллаштирди, тинчлик ва бахт-саодатини таъминлади.

ШОДИЁНА айёмда ўтмишимизга ва келажагимизга назар ташлаймиз. Она-Ватанимизда социалистик қурилиш осон бўлмаётгани ҳаммамизга маълум. Биз умумжаҳон тарихида синалмаган йўлдан дадил бориб катта ютуқларга эришдик, шу билан бирга турғунлик йилларида хатолар, йўқотишлар ва муваффақиятсизликларни ҳам бошдан кечирдик. Урушларни, вайронгарчиликларни, қаҳатчиликларни, оғир маҳкумликларни кўрдик. Мана шу сингари синов йўлларидан мардона майдон кечиб ўтдик, чидадик, олға бордик ва ғалаба қилдик. Она-Ватанимиз, меҳнаткаш халқларимиз социал, иқтисодий ва фан-техника тараққиётида кучли одимлаб дунёда етакчи қудратга эга бўлди. Эндиликда қайта қуриш, ошкоралик ва демократия қуёши янги марралар сари нур сочмоқда. Бутун совет халқи, ҳар бир меҳнаткаш партиямизнинг доно мана шу сиёсатини амалга ошириш учун чин дилдан курашмоқда. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси моҳияти жиҳатидан ғоят йирик қарорлар қабул қилдики, булар партия билан халқнинг биргаликда катта зафарлар қучишига, сиёсий системани тубдан ислоҳ қилишга, социализм учун хизмат қиладиган барча хусусиятларга эркинлик беришга қаратилди. СССР Конституцияси (Асосий Қонун)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда СССР халқ депутатларини сайлаш тўғрисидаги Қонунларнинг айни кунларда халқ муҳокама қилаётган лойиҳалари инқилобий қайта қуришнинг ҳуқуқий пойдеворига айланади.

Улуғ айём кунларимизда ҳар бир совет кишиси янгиланиш даврининг шабадаларини сезмоқда. Зотан, бугунги янгиланишлар Октябрь революциясидан кейинги улкан қадам бўлди. Халқимиз дилидаги орзулар ушала бошлади. Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида ўртоқ М. С. Горбачев ўз докладида мана бу сўзларни айтди:

«Совет халқи истиқболнинг равшан бўлишини истайди. Беками-кўст ва ҳеч сўзсиз демократияни, истисносиз қонунчиликни, катта ва кичик ҳамма ишларда ошкораликни, муносабатларда қардошлик ва ўртоқликни, меҳнатсеварлик ва истеъдод, ишга ва ижтимоий бурчга садоқат билан хизмат қилиш, ҳурмат қилинишини хоҳлайди...».

Меҳнаткаш халқимиз ана шундай доно кўрсатмалар, ширин орзу-ниятлар билан, завқли меҳнат ва жасорат билан қайта қуриш, ошкоралик ва демократияни, янгиланиш ва покланишни дадил амалга оширмоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари бу улкан ғояларни рўёбга чиқаришда жон-дилдан меҳнат қилиб, ҳар бир соҳада зафарлар қучишга интиляпти. 5 миллион 250 минг тонналик «оқ олтин» хирмонимиз она-Ватан қудратига қудрат қўшади.

ТОШКЕНТ тонгининг бугунги ҳуснида қуёшнинг жамоли, халқимизнинг бахт-камоли, меҳнат-иқболи акс этиб турибди. Шаҳримизнинг ҳар бир райони, ҳар бир корхона-муассасаси, ҳар бир меҳнаткаши Улуғ Октябрь байрами шодиёнасига ўз ҳиссаси, ютуқ-зафари, она-Ватанга туҳфаси билан, ёруғ юз билан келди. Шонли айём куни шодиёналик билан ҳаммамиз чин дилдан бир-биримизни муборакбод этамиз, зеро биз қайта қуриш, ошкоралик, демократия ва янгиланишнинг ойдин йўлларидан бораяпмиз.

Тўлқин РАСУЛЕВ,
«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбири.

ТОШКЕНТ. 1988 йил 7 ноябрь. В. И. ЛЕНИН номидаги майдонда ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойишидан лавҳалар.

Тўлқин КАРИМОВ фотолари.

Октябрь берган бахт

Ҳалимнинг колхоздан кетиши осон бўлмади. Отаси коллективлаштириш даврида қатнашган. Онаси ҳам колхоз тузумидан далада ишларди. Уруш йилларида отаси қаттиқ бетоб бўлади, анча вақт ётиб оламдан ўтади. Акаси урушдан ногирон бўлиб қайтади. Далада ишлаш Ҳалим ва онасининг зиммасига тушади. Асосий ишлар қўл кучи билан бажарилгани учун ҳам далада ишлаш енгил эмасди.

1948 йил ёз ойларининг бирида Ҳалимни колхоз идорасига чақиришади. Раис хонасида икки-уч бегона киши, қишлоқ Советининг раиси ўтиришарди. Саломлашишгач, раис гап бошлади:

— Ўғлим, сени темирйўлчилар билим юртига ўқишга юборяпмиз, нима дейсан?

— Кейин колхозга қайтаманми?

— Йўқ, — деди раис кулиб, — колхозда темир йўл йўққу. Тепловоз-вагон ремонт қиладиган завод бор, ўша ерда ишлайсан.

— Боролмайман, далада ойимнинг бир ўзлари қийналиб қоладилар.

Раис келган вакилларнинг муддаосини, бу ишнинг қанчалик зарурлигини эринмасдан тушунтирди. Охирида:

— Ойингга ҳам яхшилаб тушунтир. Керак бўлса ёрдам бериб турамиз, — деди.

Онасидан розилик олган Ҳалим Тошкентдаги 1-темирйўлчилар билим юртига ўқишга жойлашади. Унинг ҳаётидаги қайноқ дамлар ўқишни битириб тепловоз-вагон ремонти заводи (илгари шундай аталарди)га ишга кирганида бошланди. Ёш йигит учун ишнинг бошини тутиб кетиш осон бўлмади. Ишдан кетмоқчи ҳам бўлди. Бу фикрини у цехнинг уста ишчиси, ҳамма учун қадрдон В. Земсковга айтади. Вася амаки унинг қийналаётганини фаҳмлаб юрган экан, яхши сўзлар билан далда берди. Билмаган нарсасини эринмай сўрашни тайинлади.

— Устозимдан бир умр миннатдорман, — дейди Ҳ. Қосимов ўша дамларни эсларкан. — Баъзи деталларни билиш у ёқда турсин, номини ҳам айтишга қийналардим. Мана энди заводда ишлаётганимга 40 йил бўляпти. Дастлаб ишга келганимда оддий машиналарга ҳайратланадиган колхозчидан тепловоз ремонт қиладиган ишчи чиқади деб ўйламагандим. Инсон мақсадига етиш учун изланиши, саботли ва ғайратли бўлиши керак экан.

Ҳ. Қосимовнинг бутун иш фаолияти тепловоз йиғув цехи билан боғлиқ. Ўтган давр мобайнида йиғувчи слесарлик касбининг сир-асрорини қунт билан ўрганди, изланди, астойдил ишлади. Меҳнат қилган элда азиз, деб бежиз айтишмаган. 1960 йилда Ҳалим акани завод коммунистлари ўз сафларига қабул қилдилар. У бир неча марта цех ва корхона партия комитетларига аъзо этиб сайланади. Ишлаб чиқаришдаги муҳим масалаларни ҳал этишда ўз таклифлари билан қатнашди. Сурункасига 6 йил Ленин район халқ судида маслаҳатчи бўлди.

Қайта қуриш, янгиланиш даврида заводда ҳам жиддий ўзгаришлар рўй беряпти. Корхона шу йилдан бошлаб хўжалик ҳисобига ўтди. Цехларда бекорчи штатлар қисқартирилиб, бригадалар йириклаштирилди. Икки бригада бирлаштирилиб, унга Қосим ака раҳбар этиб сайланди.

— Бригадамизда 29 киши ишлайди, — дейди у. — Улар орасида ўзбек, рус, қозоқ, татар, украин, озарбайжон ва бошқа миллат вакиллари бор. Гоҳида мендан, бригадангиз доимо илғорлар сафида боради, сабаби нимада, деб сўрашади. Аввало, ишчилар бир-бирларини тўғри тушунишлари, иккинчидан, касбига бўлган иштиёқи баланд бўлиши лозим.

Октябрь ойи якунланди. Ҳ. Қосимов бригадаси аъзоларининг қўли яна баланд. Шогирдликдан иш бошлаб, бугунги кунда Т. Солиҳов, Қ. Сафаров, Э. Содиқов, С. Раимов каби номлари бот-бот тилга олинадиган илғор ишчиларга устоз, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Ҳалим ака Қосимов бошлиқ коллектив Октябрь байрамини ёруғ юз билан кутиб олди.

Ҳалим ака оила даврасида заводдаги ишлар, ўзининг бригадаси ҳақида тез-тез гапириб берарди. Айниқса, ремонт қилиниб, созланиб, яна сафга қайтарилган тепловозни завод дарвозасидан ишчилар зўр кайфиятда кузатиб қолганликларини тўлқинланиб ҳикоя қиларди. Унинг ҳикоясини қизлари, айниқса, ўғли Шомил берилиб тинглар, қайта-қайта саволлар берарди.

Отаси билан суҳбатлармн, тез-тез заводга бориб олган таассуротлармн, ҳар қалай Шомилда темирйўлчи, аниқроғи, тепловозларни созловчи бўлиш иштиёқи уйғонди. У ўрта мактабни тугатиб Тошкент темирйўлчилар техникумига ўқишга киради. Ўқишни тугаллаб армия сафига хизматга кетади.

Хизматдан сўнг Ҳалим ака Шомилга заводда ишлашни маслаҳат қилади.

— Техникумни битириб ишчи бўлайми? — дейди Шомил норози оҳангда.

— Ишчи бўлганинг яхши. Цехимизда шундай ишчилар борки, тепловознинг ҳамма қисмини беш қўлдай билади. Бузилган, ишдан чиққан ерини созлашни дипломли мутахассисдан аъло билишади. Ўқиш бошқа, уни ишда қўллаш учун аввал ишнинг нима эканлигини пухта билиш лозим. Мана биздаги 2-механика цехининг бошлиғи Тилла Мирхаитовни ол. У ҳам оддий ишчи эди. Ҳозир цехда унинг олдига тушадигани йўқ. Ҳар ойда байроқ олади.

Шомил отасининг гапларини чуқур мулоҳаза қилиб, эртасига отаси билан заводга борди.

Ота-ўғил бирга ишлаётганларига уч йилдан ошди. Касбига меҳр қўйиб, ишчи шарафини улуғлаётган Қосимовлар билан бригадагина эмас, Октябрь революцияси номи билан аталувчи Тошкент тепловоз-ремонти заводи коллективи фахрланишади. Уларга бахтни Улуғ Октябрь берди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Мақсуд ШАЙХЗОДА

Ленин ҳақида қитъалар*

Инсон умри чекланган
Муҳлатли дафтар.
Лекин Ильич ҳаёти
Ҳар баҳорда тикланган,
Бир умрга яшнаган,
У куррага бир падар,
Абадий ёшлик қадар
Тирик, ижодий.

●

Апрель — кўклам
фаслининг
Зангор кўзли дилбари,
Ленин башар наслининг
Шунқор кўзли раҳбари.
Коинотда қачон ҳам
Апрель қариган?
Ҳар йил апрель ёш бўлиб
Туғилар экан.
Апрелнинг фарзанди,
Башар дилбанди —
Ленин мангу ёшликнинг
Тимсоли экан,
Демак ҳар хил заволдан
У ҳоли экан!
Абадийлик тимсоли —
Лениннинг ўзи!
Эллар, юртлар илҳоми—
Лениннинг сўзи!

●

Гулистонга, боққа,
боғчага,
Мажлисларга ва
табрикларга,
Томошага, тўйга, арчага,
Одамларнинг уйларига
ҳам,
Одамларнинг ўйларига
ҳам
Нур ва қудрат бағишлар
экан
Ленин ижод қилган
ёруғлик,
Шунинг номи Мангулик
деган.
Шунинг асил номи —
Улуғлик.
«Электрик» дерлар —
бу кучни.
«Доим тирик» —
дерлар Ильични.

* БИРИНЧИ МАРТА ЭЪЛОН ҚИЛИНМОҚДА.

Пойтахт саноат ходимлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олдилар. Улар орасида «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг юзлаб ишчилари ҳам бор.

Мана бу дугоналар чеҳрасига қараб, уларнинг байрамга арзигулик совғалар билан келганликларини ҳис этиш қийин эмас. Муқаддас Алимова, Фотима Муҳаммадалиева ва Фазилат Шораҳимовалар байрамолди иш натижаларини сарҳисоб қилдилар. Ҳар қалай, уларнинг ютуқлари 21-цех коллективининг ютуғига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Бир оила фарзандларидек

2519-автоколонна шаҳардаги йирик автотранспорт хўжаликларидан биридир. Автоколоннада мингга яқин одам хизмат қилади. Коллективда ўндан ортиқ миллат вакиллари аҳил меҳнат қилишмоқда.

Кейинги йилларда автоколоннада йиллик, ойлик планлар мунтазам равишда ортиғи билан адо этиб келиняпти. Автохўжаликнинг қўлга киритаётган муваффақиятларида айниқса ремонт-созлаш устахонаси аъзоларининг ҳиссаси катта бўляпти. Автомашиналар тез ва соз ремонт қилиниб улар белгиланган график асосида рейсга чиқариляпти. Устахонада 127 нафар киши ишлайди. Катта ва қийин юмушларни бажаришда коллективнинг ҳар бир аъзоси актив қатнашяпти. Қайта қуриш, янгиланиш шароитида коллективда ҳам кўпгина юмушларни қайтадан кўриб чиқиш, эски самарасиз услублардан воз кечишга тўғри келди. Ҳозирги кунда устахонада махсус пост ташкил этилган. «Техника тез ёрдами» деб номланган бу постда маршрут давомида бузилиб қолган автобусларга хизмат кўрсатилади. Айтайлик, автобус иш вақти тугамасдан туриб йўлда бузилиб қолди. Тез ёрдам аъзолари қисқа вақт ичида машинани ремонт қилиб яна маршрутга кузатиб қўйишади.

Шунингдек, машиналарга профилактик хизмат ҳам кўрсатилади. 25 кишидан иборат махсус бригадага тажрибали мастер Н. Машарипов бошчилик қилади. Биргина шу бригаданинг ўзида саккиз миллат вакиллари ишлашяпти.

— Профилактик хизмат автоколоннамизда илгаридан мавжуд эди. Лекин шуни айтиш керакки, машиналарга кўрсатилаётган техника ремонти хизмати ўз вақтида амалга оширилмас, созлаш ишлари ҳам сифатли эмасди,—деди автоколонна бош инженери З. Ҳакимов. — График бўйича олтита ўрнига атиги учта автобус ремонтдан чиқариларди, холос. Биз бригаданинг составини кўриб чиқдик. Тажрибали, ўз ишига садоқатли ҳамда пухта билимга эга бўлган мутахассислардан иборат бригадани комплектлаштирдик. Шунингдек, қўл кучи билан бажариладиган ишларнинг асосий қисми машиналарга юклатилди. Машина қисмларидаги мурувватларни бураш, оғир деталларни кўтариш ёки машинанинг бир қисмидан иккинчи қисмига кўчиришда махсус кўтаргичлардан фойдаланиляпти. Шунингдек, бажарилган юмушларни назорат қилиш учун контроль-ўлчов асбоблари ҳам ишлатилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ишимизда унум ва сифатнинг таъминланишига кафолат бермоқда.

Янги усул автобусларни яхши созлаш, уларнинг кўп вақт ремонтсиз ишлашига омил бўлса, яна бир томони устахонамиздаги ишчиларнинг ўз ишларини пухта эгаллашлари, малакаларини ошириб боришларига хизмат қиляпти. Биз яна бир муаммони ҳал этишга муваффақ бўлдик. Илгари машиналарнинг капитал ремонтида, айрим жорий ремонтида шофёрларнинг ўзлари иштирок этишарди. Эндиликда бунга ҳожат қолмади. Шофёрлар фақатгина рейсда машина бошқариш вазифасига йўналтирилмоқда. Ҳар қандай ремонт ишлари уларнинг иштирокисиз бажариляпти.

Эришилаётган ютуқларни яна санасак давом этади. Уларнинг олға боришида зиммаларига олинган вазифа ва мажбуриятларини ортиғи билан бажариб, эл-юрт олдида ёруғ юз билан ҳаракат қилишларида кўпмиллатли аҳил коллективнинг бир ёқадан бош чиқариб, бир оила фарзандидек иноқ меҳнат қилишлари натижасидир.

Ғулом ТОҲИРОВ.

Совет турмуш тарзи

Меҳнат гашти

Ҳ АР байрам оқшоми ва арафаларида хонадонимиз янада гавжумлашиб кетади. Ўғил-келинлар, набира-чеваралар тўпланишади. Дастурхон атрофига ўтириб ўтган-кетганлардан суҳбатлашамиз, қилган ишларимизни биргаликда сарҳисоб қиламиз.

Бош фарзандим Саидаҳмад ўқитувчи эмасми, ҳар қалай гапга чечанроқ. Даврани ўша бошқаради.

— Қани дада, — дейди менга қараб, — ўтиришнинг қулоғини бураб берингчи.

— Эй, мен нимани гапираман, ўзларинг суҳбатлашаверинглар, — десам, ўғлим:

— Сизда гап кўп, сиз ўқилмаган китобсиз, — дейди.

— Очиғини айтганда, мен нимагаки эришган бўлсам ҳаммасига меҳнат орқали эришдим. Бу йил 90 ёшга тўлаяпман. Айтишга осон. Бу йиллар давомида қанча синоатлар бошдан ўтмади. Чоракор бўлдим. От боқдим, буғдой ўрдим. Хуллас қорин тўқлаш учун нима иш бўлса қилавердим.

Йиллар ўтиб, Октябрь зиёси кулиб боққанда 19 ёшга кирган ўспирин йигит эдим. Саводи бор тенгқурларим ўшанда:

— Ана энди бизнинг орқамизга ҳам офтоб тегадиган бўлди, — дейишганда, бу гапнинг моҳиятига яхши тушунмасамда ўзимдан-ўзим хурсанд бўлардим.

Кейинчалик тушундим. Оиламизга 3 - 4 таноб ер хатлаб берилганда тушундим. Отам билан эрта-кеч шу ерда ишлаймиз. Меҳнатимизнинг биринчи ҳосилини олаётганда бутун оиламизнинг оғзи қулоғида «Наҳот шу ҳосилларнинг ҳаммаси ўзимизники бўлса, унга ҳеч ким шерик бўлмаса», дейишарди. Ахир ўша йилгача ҳам отам билан бойнинг ерини экардик. Аммо олган ҳосилимиз туя бўлиб кетарди.

Кечки мактабга кирдим. Шу йили колхоз тузилди. Унга аъзо бўлдим. Ўша йили бошимизга оғир мусибат тушди. Отам, кейин онам оламдан ўтишди. Коллектив ҳимматига қойил қолдим.

Баъзан мана шунақа бахтли кунларимизда фарзандларим «Дадам қария куёв бўлганлар» дея ҳазиллашиб қолишади. Шунда ноилож илжайиб қўяман-у, «Ҳе, энди у кунлар сенларнинг бошларингга тушмасин» дейман. Йўқчилик қурсин. 30 ёшимда уйланганман. Тўртта фарзанд кўрдим. Ҳаммаси ўғил. Кампирим ҳар гал туғруқхонага кетаётганда:

— Ишқилиб бу галгиси қиз бўлсинда, — деб кетарди. Лекин эртасига борсам у ердагилар мени ўғил билан қутлашарди.

Майли, ўғилдир-қиздир фарзанд бўлсин дейман.

Ҳаётда киши бир яхши, бир ёмон кунни эсдан чиқармайди. Қандай бахтли дамларни бошдан кечираётган эдик. Бирдан уруш деган сўз ошимизга оғу солди. Хонадонларимизга ғам-ғусса келтирди. Ёш болалар билан кампирим бир ўзи қолди. Мен фронтга жўнадим. Ўшанда тўнғич ўғлим Собиржон энди ўн тўрт ёшга тўлганди. Унга тушунтирдим:

— Ўғлим, оилага энди сен бош бўлиб қоляпсан. Укаларингга эҳтиёт бўл, онангни авайла.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, дада. Айтганларингизнинг ҳаммасини бажараман. Фақат сиз билан соғомон дийдор кўришсак, бас, — деса бўладими.

Тавба, ахир бу ёш боланинг гапи эмас-ку. Демак ёмон кун одамнинг эсини тез танитиб қўяркан-да.

Афсус, Собиржоним билан қайта кўришиш насиб этмади. У ҳам 17 ёшида кўнгиллилар қатори урушга кетибди. Украина учун бўлган оғир жангларда ҳалок бўлибди.

Ҳар 3—4 йилда Украинадаги қардошлик қабристонига бориб келамиз. Ўғлимизнинг хоки қўйилган тупроқни кўзларимизга суртамиз. Украина учун жонини фидо қилган ботир жангчилар номи битилган мармар тошда Собиржонимнинг ҳам номи жаранглаб турибди.

Ия, сергаплик қурсин. Ўтмишни эслаб болаларни сизга таништириш эсимдан чиқиб кетибдику.

Саидаҳмад, Каримжон иккаласи ҳам ўқитувчи. Кенжам Анваржон «Ташсельмаш»да ишлайди. Ўзим ҳам шу ерда ишлардим. Кейин пенсияга чиқдим. Келинларим Лобар, Диловар, Ақидахонлар ҳам турли касбда — тикувчи, врач, ўқитувчи. Хуллас, оиламиз зиёлилар оиласи. Невараларим ҳам ўқишади, ишлашади. Кўплари оилали бўлишган. Агар ҳаммамиз тўплансак, мана шу мўъжазгина ҳовлимиз тўлади. Ҳар байрамда шу ерга тўпланамиз. Қувончимизни ҳам, ташвишимизни ҳам биргаликда баҳам кўрамиз.

Фарзандларимга, невараларимга доимо «Мен меҳнат туфайли обрў-эътибор топдим. Сизлар ҳам меҳнатни қадрланг», дейман.

Ахир Октябрь берган меҳнат бахти ва гаштидан баҳраманд бўлишдан ҳам ортиқ нарса борми ўзи.

Киров районидаги Юнусобод маҳалласида истиқомат қилувчи Исроил ҚОДИРОВнинг сўзини оққа туширувчи

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.



Эрта тонг. Тошкент абразив комбинати эшигидан тинимсиз одамлар оқими ўтиб боради. Улар орасида 70 ёшли, Улуғ Ватан уруши иштирокчиси газ пайвандчи Алим оға Измаилов ҳам бор. У бирлашмага ишга келганда корхона эндигина оёққа тура бошлаган, етишмовчиликлар эса ҳали кўп эди. Кундан кунга янги қулайликлар, шарт-шароитлар яратилиб борди...

Ўшандан бери мана 43 йил вақт ўтди. Бу вақт ичида корхонада катта ўзгаришлар содир бўлди. Кенг ва ёруғ хоналар замонавий техника билан жиҳозланган. Энг асосийси эса ишчиларнинг ўзлари таққослаб бўлмас даражада ўзгариб кетишди.

Корхонада Алим оғани фақат тажрибали мутахассис сифатидагина эмас, ҳар қандай дақиқада ўз тажриба ва билими билан ўртоқлаша оладиган ҳозиржавоб ўртоқ сифатида ҳам яхши билишади. Қолаверса, у тарбиялаган шогирдларининг ўзи бир цех коллективини ташкил этади.

Пенсияда бўлишига қарамай Алим Измаилов севимли корхонасини тарк этгани йўқ. Ёшларга касб сирларини ўргатишда давом этмоқда.

Рустам Шарипов фотолари.

ИНҚИЛОБ

Очерк

«Отам, Очил Бобожонов 1918 йилда озиқ-овқат таъминоти бўйича комиссар сифатида ишларди. Аҳолини, фронтдаги Қизил аскарларни нон билан таъминлашда у дўстлари Обид Жалолов, Абдушукур Абдурашидов, Убайдулла Норхўжаевлар билан қизғин фаолият кўрсатди.

1918 йил январида мен Бешёғоч даҳаси милиция бўлими бошлиғининг муовини сифатида ишлардим».

Насриддин БОБОЖОНОВ,
1918 йилдан РКП (б) аъзоси.

ТОШКЕНТДА очлик ҳукм сурар эди. Одамлар ним чорак нон олишади. Ўша ҳам барчага насиб бўлмайди. Қишлоқлардан шаҳарга озиқ-овқат келтирилиши ҳам тўхтаб қолди. Пулнинг қадри йўқ. Чайқовчилик эса авжига чиққан. Шаҳарда турли миш-мишлар тарқалмоқда. Бири-биридан хунук овозалар юрибди. Одам ўлдириш одатдаги аҳволга айланиб бораётгани Тошкент милициясини ташвишга солмоқда. Ташқи душманга нисбатан ички душман кўпроқ таҳдид соларди. Бандитизм шулардан бири эди.

Республика зироат ишлари халқ комиссариати қишлоқ хўжалик техникаси бўлими мудири, профессор Когеннинг ваҳшиёна ўлдирилиши барчани ларзага солди. Милиция ходимлари мажлисида бу масала кўрилди.

— Бу ишларнинг барчаси ўша бизга таниш группаники, — деди Насриддин Бобожонов.

Тошкент шаҳар муҳофазаси бошқармасининг бошлиғи Цируль ўйга чўмди. Ҳақиқатан ҳам кейинги вақтларда содир бўлаётган жиноятларда бир таниш қўл, бир таниш из сезиларди. Профессор Коген ўлимидан бир кун аввал чек билан эллик минг сўм пул олиши керак эди. Гувоҳларнинг айтишича, бандитлар профессордан худди шундай миқдордаги пулни талаб қилишган. Аммо ўша куни профессор пулни олмаган. Бандитлар уни ўлдириб, ёнидаги чекни қолдириб кетишган.

— Менда бир таклиф бор, — деди Насриддин.

...Бешёғоч даҳаси муҳофазаси бошқармасининг бошлиқ ўринбосари Насриддин Бобожонов фикри оператив кенгашда бир овоздан маъқулланди. Жиноят қидирув бўлими ходимларининг фикрлари, мулоҳазаларидан сўнг Цируль Бобожоновга юзланди:

— Бу операцияни шахсан ўзингиз бажарасиз. Тушундингизми?

Насриддин бош ирғиб, кулиб қўйди.

Эски шаҳарга тун ўз пардасини ёйди. Ҳаммаёқ осойишта сукутга чўмган. Бу сукутни маҳалла қоровулларининг шақилдоғи онда-сонда бузиб туради. Номаълум кишилар катта ҳовли дарвозасига аста яқинлашди. Улардан бири дарвозани тақиллатди.

— Кимсиз? — дарвоза ортида кимдир йўталди.

— Чека! Тинтувга келдик.

— Ҳозир, ҳозир, — деди уй эгаси.

Номаълум кишилардан олтитаси дарвоза олдидаги дарахтлар панасига яширинди. Тўрт киши эса ичкарига қадам ташлади.

— Уй эгаси ким? — деди ўзларини чекистлар деб атаганлардан бири.

— Абдумавлонбеков, — деди уй эгаси қалтираб.

— Уйда ким бор?

— Касал ўғлимдан бошқа ҳеч ким йўқ.

— Ичкарига бошла.

Мезбон чақирилмаган қўноқларни лампа нури кўринган чекка уйга бошлади. Ичкарида сандал ёнида кўрпа-тўшак қилган касал ётар эди. Улардан бири—қизил юлдузли фуражка кийган киши тўппончасини уй эгасига қаратди.

— Пул солинган халталаринг қани?

— Қандай халталаар? — деди чол титраб.

— Банкадан олган етти юз қирқ минг сўм... Қаерга қўйгансан? Айтмасанг ўзингни, ўғлингни ўлдирамиз. Уйингни эса ёндирамиз. Учгача санайман!

Чол гилам билан тўсилган токчани кўрсатди.

— Пуллар ўшатда.

Уч киши зудлик билан токчага томон югуришди. Шу вақт сандал ёнида ётган касал ёнида турган қароқчининг оёғига тепди. У додлаганча қўлидаги қуроли билан полга ағанади. Касалнинг қўлида тўппонча кўринди. Токчага югурган уч киши орқаларига ўгирилганда бошларига одеяллар ташланди. Гиламлар билан тўсилган токчалар ичидан олти киши улар устига ташланди. Яна тўрт киши ён хоналардан югуриб чиқишди. Қароқчилар қўл-оёқлари бойланди.

— Жиноят қидирув бўлими! Қаршиликнинг фойдаси йўқ.

Ҳанг-манг бўлиб қолган қароқчилар салласи ва соқолини олиб ташлаган уй эгаси—чолга ҳайрат билан боқдилар. Чол бир зумда навқирон йигитга айланган эди.

— Хўш, Абрек — Мамбрек, — деди сохта чол ғазаб ила қароқчилар сардорига. — Шу халтадаги қуруқ қоғозларга шунча овора бўлдингми? Ҳақиқий пуллар банкда турибди. Улар Туркистон Республикаси ҳукуматига керак.

Қароқчилар сардори Абрек сохта чолни таниди. У Эски шаҳарга донғи кетган Насриддин Бобожонов эди.

— Фринц Янович! Топшириғингиз бажарилди.

Бобожонов Цирулга шундай дея рапорт берди.

— Баттол Абрек ниҳоят қўлга олинди.

— Унинг нечта оти бор, биласизми?

— Абрек — Шоҳназаров, Малик—Каспаров — Тер-Авдиянц — Лечашвили. У яна князь Абашидзе, князь Думбадзе. Жуда кўп либосда турланган эди у. Аммо биз қурган тузоққа тушди.

Бу операция Цируль маслаҳати билан Бобожоновга юкланган эди. Абдумавлонбеков номига 740 минг сўмлик чек ёздирилади. Чек эгаси ролини Бобожонов бажаради. Эски Тошкент маҳалласидан бир уй танланиб, бой хонадон каби безатилади. Қолгани ўқувчига маълум. Қароқчиларни сўроқ қилиш ва уйларини тинтув қилиш натижасида кўп жиноятларнинг сири очилди. 3 миллион сўмдан ортиқ пул ва қимматбаҳо буюмлар топилди. Қароқчилар оқ гвардиячилар билан боғлангани ва контрреволюционерларнинг топшириқларини бажаришганлиги ҳам аниқланди.

Бу ҳақда яна бошқа хабар ҳам келди.

* * *

Туркистон Республикаси Фавқулодда комиссияси жойлашган бинога офицер мундиридаги бир киши яқинлашди. У собиқ казак офицери эканлигини айтиб, Тошкентда яширин йиғилишлар ўтказаётган собиқ офицерлардан иборат ташкилот мавжудлигини маълум қилди. Бу ташкилот каттагина маблағга, паспорт бланкаларига эга бўлиб, Совет ҳокимиятини ағдариш режаларини муҳокама қилмоқда. Улар кишиларни сотиб олиб, турли шаҳарларга жўнатмоқда, масъул лавозимларга қўймоқда.

Собиқ офицернинг бу хабарини текшириш маълумотларни тасдиқлади. Большевикларнинг таклифига кўра Туркистон Марказий Ижроия Комитети 1918 йилнинг 27 декабрь куни Тошкентда фавқулодда ҳолат муносабати билан Туркистон Совет Республикасини ҳарбий лагерь деб эълон қилди ва революцион ҳарбий трибунал қошида фавқулодда ҳарбий дала суди ташкил этди.

1919 йил 18 январида Тошкент милицияси бошлиғи Цируль бошқармасида милиция раҳбарлари кенгашини чақирди. Душман иғвогарликларни ку-

Ленинннома тарихидан

«Кўп буюклар ўтгандир, бироқ...»

Ўзбек Ленинномасининг дастлабки сатрлари пайдо бўлганида инқилоб доҳийси ҳали ҳаёт эди. Хоразмлик шоир Абдураззоқ Фақирий 1921 йилдаёқ ўзининг «Мухаммаси замона», «Паёми Ленин» сингари шеърларида ўзбек халқининг улуғ йўлбошчига бўлган меҳр ва муҳаббатини жўшиб куйлайди. 1923 йилда эса «Мадҳи Ленин» ғазалини ёзиб, «сўзлаган ҳар бир сўзи» жаҳон халқлари онгида инқилоб ясаган «хуршиди анвар»ни шарафлади. Шу йили Нозима хоним, Сидқий Хондайлиқий шеърий Ленинномамизга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Шундай қилиб, ҳали кўпгина қардош халқлар адабиётида Ленин сиймоси тасвир этилмай туриб, ўзбек Ленинномасининг дастлабки саҳифалари вужудга келдики, биз ҳали бу ажойиб фактнинг аҳамиятини тўла ҳис этиб улгурганимизча йўқ.

1924 йилда Ильич вафот этганда бутун ўзбек халқи зўр мотам тутди. Ойбек, Элбек, Боту, Мирзо Ҳўқандий сингари доҳий вафотидан қалби садпора бўлган шоирлар йўқлов шеърларини ёзиб, халқ ва мамлакат бошига тушган оғир мусибат дардини ифода этдилар.

Шу нарса эътиборга сазоворки, доҳий вафот этганда, Боту Москвада, Ойбек ва Элбек Тошкентда, Фақирий Хоразмда, Ҳўқандий Кўқонда, Ҳамид Олимжон эса Самарқандда эдилар. Улар бу шаҳарларнинг аҳолиси доҳий мотамини қандай алам ва изтироб билан ўтказганларига шоҳид бўлибгина қолмай, бу мусибатли тарих онларини ҳам ўз шеърларида муҳрладилар. Шу маънода Ҳамид Олимжоннинг «1924 йилнинг 22 январида Самарқанд» номли машҳур балладаси диққат-эътиборга лойиқ.

Маълумки, Ҳамид Олимжон 1923 йилда Жиззахдаги тўлиқсиз ўрта мактабни тугатиб, Самарқандга боради ва дорилмуаллиминга ўқишга киради. Ҳозирги Самарқанд Давлат университетининг биология факультети жойлашган бинода ташкил этилган дорилмуаллиминда ўша даврнинг пешқадам зиёлилари — С. Айний, А. Шакурий, Ҳожи Муин, Рожний, В. Л. Вяткин, Д. П. Квасницкий ва бошқалар сабоқ берар эдилар. Ҳамид Олимжон ана шу даргоҳда кечган йилларини кейинчалик «Заҳарли юрак» ҳикоясида тасвир этиб, бундай ёзган эди: «мактабимиз шу қадар қизғин эдики, мени кўз ёшларини дарё қилиб жўнатган онам, хўрсиниб, деворга суяниб қолган опам ҳам эсимга тушмас эди». Талабалар янги мактабнинг ана шундай қайноқ ва самимий муҳитида таҳсил олар эканлар, бу янги ҳаётнинг бунёдкори В. И. Лениннинг ўлими тўғрисидаги хабар уларни ларзага солади. Бутун Самарқанд аҳолиси Регистон майдонига оқиб келиб, улуғ мотам дарёсига қўшилади.

... Марказий телевидение доҳий ҳаётининг сўнгги дамлари ҳақидаги телевизион сериални намойиш этган эди. Москва атрофида яшовчи оддий кишиларнинг Ильич тобути ортидан эргашиб, юзлаб чақиримларни —қайғу ва видолашув йўлини босиб ўтганлари ҳужжатли экран тили билан ҳикоя қилинди. Худди шунга ўхшаш одамлар дарёси ўша куни Самарқанд кўчалари ва майдонларини ҳам тўлдирган эди.

Ўша кунлари дорилмуаллиминга ҳам В. И. Ленин номи берилиб, у энди ўзбек билим юрти деб атала бошланди.

Орадан яна 14 йил ўтгач, шоир ўша унутилмас мотам кунларини тасвирлаб, ўз балладасини яратди. Бу балладани бугун ҳам ўқир эканмиз, ҳаяжонга тушамиз, ўзбек халқининг улуғ доҳий билан хайрлашув дақиқалари ўзининг теран самимияти билан мафтун этади, Лениннинг инқилобий ишлари билан Октябрнинг дастлабки йилларидаёқ миллати, эътиқоди, ёши, жинси қандай бўлишидан қатъий назар ҳар бир кишининг қалбидан абадий жой олгани ҳайратга солади.

Ёш Ҳамид Олимжоннинг хотирасига маҳкам ўрнашган ҳолат ҳаммаёқ ва ҳамма нарсанинг қорага бурканганию, одамлар денгизининг ташвишли тўлқинлари эди.

Бунда борди фаранг, амиркон,
Ўзбек, қозоқ, чиний ҳам бунда.
Бунда ўрис, афғон ва юнон—
Ҳаммасининг боши эгилган,
Ҳаммасига зўр мотам келган...

Умрида бундай зўр мотамни кўрмаган бир нуроний чол ўғлидан сўраб билмоқчи бўлади:

Ким ҳам бўлди бу одам, ўғил!
Бутун бир юрт кимни кўмамиз!
Самарқандда ўлмаган-ку ул!
Кўрмаган-ку бизнинг халқимиз!..

Ҳамид Олимжоннинг ўзи чолнинг бу саволига жавоб бериб, Лениннинг жаҳон халқлари тақдирида ўйнаган ролини шоирона тасаввурлар билан гавдалантиради. Кекса тарихнинг ҳали бундай улуғ сиймони кўрмаганини айтади:

Кўп эскидир олам ва унда
Кўп буюклар ўтгандир, бироқ,
Бироқ Ленин тарих сўнгида
Буюклардан чиқди буюкроқ...
Минг йилларни қийнаган жумбоқ,
Унинг ақли билан топилди.
Чирик, қонхўр, тузумнинг шу чоқ
Эшиклари тақ-тақ ёпилди.
Хароб бўлган хор бир дунёни
Бўронлардан олиб ўтди ул.
Зулмга қарши қўзғолди қони,
Бир ўт ёқиб, шу он этди кул.
Йўлга солди ўзи бўлиб бош
Ва одамга бахт берди ўша.
Очларга нон, кийим, усти бош,
Ерсизларга ерни ҳамиша...

Халқ доҳийнинг очларга нон, кийим-кечак ва ер-сув бериб, одамларга бахт йўлини кўрсатгани учун уни севган, 1924 йилнинг қора қишида эса астойдил мотам тутган эди. Ҳамид Олимжон ана шу мотам манзараларини тасвирлаб, ўзбек халқининг доҳийга бўлган сўнмас меҳрини куйлади.

Бу йил шу ўлмас асарнинг яратилганига роппа-роса ярим аср бўлди.

Наим КАРИМОВ,
Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.

Дўстликнинг олтин кўприги

Нурли қуёш ёғдуси



Доно халқимиз: «Дўстликнинг қаноти бор» деган нақлни бежиз айтмаган. Мамлакатлар ва халқлар дўстлиги дил риштаaларини боғлаб, тинчликни, бахт-саодатни ва ўзаро алоқаларни мустаҳкамлайди.



Мен Тошкент область агросаноат корхоналари комплекси ишчи-хизматчилари билан дўст Ҳиндистон Республикасига сафарга отланганда хаёлимдан ана шу ширин ҳис-туйғулар кечди.

Она-Ватанимиз пойтахти Москванинг «Шереметьево—2» халқаро аэропортидан Ҳиндистон авиакомпаниясига қарашли самолётга чиқар эканмиз, салон эшиклари олдида ҳинд стюардесса қизлари гулдек табассум билан: «Намастэ!» деб кутиб олишиб, ичкари таклиф қилишар, самолёт ичидан ҳинд куйлари таралларди. Парвоз бошланди. Она диёримиз устидан, дарёлар, саҳролар, далалар, пурвиқор тоғлар оша эрталаб Ҳиндистон пойтахти — Деҳлига «оқ қуши»миз енгил қўнди.

Ҳинд биродарларимиз самимий ва дўстона кутиб олиб, ҳар биримизнинг бўйнимизга янги узилган гуллардан ясалган тизмаларни ҳурмат юзасидан илиб қўйишди. Ҳаво ўттиз даража атрофида эди. Биз мезбонлар илтифоти билан пойтахтнинг «Ашок—отель» меҳмонхонасига жойлашдик. Эртаси кундан таассуротларга бой сафаримиз — Ҳиндистоннинг тарихий-маданий, иқтисодий ва саноатдаги ривожланишини кузатишдан иборат экскурсиялар бошланди. Деҳли — иттифоқ территорияларининг маъмурий маркази бўлиб, қадимдан ўзининг бадиий ва майда ҳунармандчилиги билан машҳурдир. Шаҳарнинг эски қисми — Шоҳжаҳонободда қадимий архитектура ва санъат ёдгорликларидан темир устунлар, Қувват ул Ислом масжиди, Лал Қалъа (Қизил Форт) ҳамда саноат, савдо идоралари, турар жой бинолари жойлашган. Айниқса Лал Қалъа саройи комплексининг бобурийлар даврининг оқ мармардан ишланган саройлари, Ҳумоюн мақбараси, бир неча масжид ва бошқалар мавжуд бўлиб, бу ернинг архитектураси билан танишиш учун зиёратга келаётган туристларнинг ва ерли халқнинг кети узилмасди.

Ҳинд халқи томонидан «Буюк қалб» (Маҳатма) деб аталиб келувчи, оташқалб ва ҳормас-толмас инсон Маҳатма Ганди музейини зиёрат қилганимизда катта таассурот қолдирди. Бу буюк инсоннинг босиб ўтган оташин йўлини бугунги кунда ривожланаётган, ўзининг ҳақиқий йўлини топаётган ҳинд халқининг бурилиш ясашига асосий омил деб билдик.

Маҳатма Ганди, Жавоҳарлал Неру, ҳинд халқининг содиқ қизи Индира Гандиларнинг жасадлари куйдирилган жойни зиёрат қилганимизда — бизда ўз халқларининг озодлиги, эркинлиги ҳамда ривожланиши йўлида уларнинг тинмай қилган мислсиз меҳнатларини, ўз халқининг роҳат-фароғатини ўйлаб, ўзининг завқ-шавқидан кечган бу давлат арбобларининг жаҳон миқёсидаги оламшумул аҳамиятга эга хизматлари кўз олдимизда яна бир бор гавдаланди.

Мумба маъбудаси номидан келиб чиққан Бомбай— Маҳараштра штатининг маъмурий маркази ҳисобланиб, турли дин ва мазҳабдаги бир неча хил миллат вакиллари яшайдиган, аҳолиси зич шаҳарлардан бири. Унинг асосий саноати тўқимачилик бўлиб, ундан ташқари химия, нефтни қайта ишлаш, машинасозлик корхоналари мавжуд.

«Агра Форт» қасри ва унинг ичидаги «Марварид масжид» ҳамда XVII аср меъморчилигига оид бир неча саройларни завқ билан кузатдик. Агра яқинида, Жамна дарёси бўйида жуда ҳам нозик дид ва ақлу-заковат билан қурилган Шоҳ Жаҳон ва унинг умр йўлдоши Мумтоз Маҳал мақбараси — Тож Маҳал 1632—1650 йилларда қурилган бўлиб, унда ҳинд меъморчилиги усталари билан бир қаторда Самарқанд ва Бухоро усталари қатнашганлигини эшитганимизда кўнглимизга ажиб бир қувонч югурди. Бино бунёдкорларининг исмлари ёзилган деворларда биз самарқандлик Усто Муҳаммад Шариф ва бухоролик Уста Ота Муҳаммадларнинг номларини ўқидик, уларнинг санъатларига тасаннолар айтдик.

Беш гумбазли қилиб қурилган Тож Маҳалнинг бутун салобати унинг олд томонидаги ховуз сувидан товланиб, жилоланиб акс этади, қуёш нурида бу кошона атлас каби жилваланади. Дунёнинг етти мўъжизаси бўлган Тож Маҳалга садаф, ҳақиқ, марварид, қаҳрабо, зумрад, ёқут, фил суяги ва асосан оқ мармардан жило берилган. Қарангки, деворларига ишланган биргина гулнинг очилиш жараёнини тасвирлашга, ҳар бир митти гул ичига 37 хил майда қимматбаҳо рангдор тошлар жойланган.

Ҳиндистоннинг деярли кўпгина шаҳарларида қадимий обидалар, мўъжиза деса арзийдиган маданий ёдгорликлар кўп. Бу диёрнинг ҳамма кўчаларида, майдонлари ва хиёбонларида ажойиботларга дуч келинади. Филларда сайр қилиш, илон ўйнатувчиларни томоша этиш, Ҳиндистон диёри табиатига мос ўсимликлар дунёси билан танишиш завқ-шавқ бағишлайди.

Биз бу кичик лавҳада Ҳиндистондан олган таассуротларимиздан бир шингилгина ҳикоя қилдик. Ҳинд халқи — меҳнаткаш ва тинчликсевар халқдир. Совет халқи билан ҳинд халқининг дўстлик ва қардошлигини сафар чоғида ҳар қадамда, ҳар бир учрашувда ҳис этдик. Улуғ Октябрь революциясининг шарофатли ва нурли қуёши бутун дунё меҳнаткашларига, шу жумладан тинчликсевар Ҳиндистонга ҳам эркин нур сочмоқда. Совет Иттифоқи билан дўст Ҳиндистон халқи абадий қардош бўлиб қолади.

Фаёз ҒАФУРОВ,
Тошкентдаги 5-нон заводи ходими.

⊙ СУРАТЛАРДА: 1. Дунёнинг етти мўъжизаларидан бири — Агра шаҳридаги Тож Маҳал. 2. Ҳиндистон кўчаларида филда сайр қилиш олдидан.

Автор фотолари.

Шукрона

Бу байрам озодликнинг энг сарафроз айёмидур,
Дилда завқ, кўкрак баланд гўё фалакнинг томидур.
Сўзлари ўткири доим жойи тўр — минбар, бу бир
Содиқларга халқи берган иззату икромидур.
Бу сабоқ, ошкораликлар нега даркор десангиз,
Биз адашган у турғунлик йилларнинг дашномидур.
Сафма-саф ўсган бу ёшлар тўғри таълим олсалар,
Кексалик умрин таянчи, жонимиз оромидур.
Элу юртин ўйламасдан ўзин ўйлар баъзилар,
Улар инсонликни асло тушунмас бир омидур.
Бу ҳаёт меҳнат, курашлардан иборатлиги рост,
Шарафли қайта қуришлар — инқилоб давомидур.
Тўғри сўзлаш Деҳқонийга туғма бир одат эрур,
Ҳар маҳал ғайратда бўлмоқ халқ, Ватан илҳомидур.

Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ.

Район тарихи музейи

Ленин район социал-таъминот бўлими қошидаги «Ғамхўрлик» кооперативи районнинг электрлаштирилган харита-макетини тайёрлади. У келгуси йили меҳнат ва уруш ветеранлари район Совети биноси фойесида намойиш этиладиган район музейи экспонатларининг дастлабкисидир.

Бу районнинг тузилиши ҳамда ривожланиш йиллари Ўзбекистон пойтахти тарихининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади. У 1929 йили дастлаб Красновосточний деб аталган. Шу йилнинг октябрь ойида эса улуғ Ленин номи берилди.

Ленин райони 60 йиллигига бағишлаб жамоатчилик музейи яратилмоқда. Бўлажак музей экспонатлари ёшларни шонли анъаналар, совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш, оммани партия кўрсатмаларини бажаришга, жамиятни қайта қуриш ишига сафарбар этишга хизмат қилади.

Музей ташкилий Совети составига партия, совет ходимлари, ветеранлар кирилдилар. Музей экспонатларини бир неча бўлимларда намойиш этиш планлаштирилмоқда. Уларда райониинг революциягача, революциядан сўнг, беш йилликлар, Улуғ Ватан уруши, тинч қурилиш йиллари даврларидаги ҳаёти, унинг бугуни ва келажаги ҳақида ҳикоя қилинади.

Совет йиғилишида музей стендлари мазмуний йўналиши белгилаб берилди. Стендларда Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти, электрон-техника заводлари, Тошкент темир йўл бўлинмаси, «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти, Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик катта театри каби инқилобий, жанговар ва меҳнат анъаналарига бой коллективлар ҳаётларидан олинган мисоллар стендлар асосий мазмунини ташкил этади.

Тошкентнинг кекса райони тарихи музейи биринчи марта яратилмоқда. Бу олижаноб ишни район ветеранлар ташкилоти ҳамда «Ғамхўрлик» кооперативи амалга ошираяпти.

Михаил САВЕЛЬЕВ.

Оталар жасоратига содиқмиз

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонганига етмиш бир йил тўлди. Етмиш бир йил. Бу муддат тарих олдида ҳеч нарса эмас. Лекин Советлар мамлакати бу давр мобайнида катта, машаққатли йўлни босиб ўтди. Жуда кўп синовларни, оғир кунларни бошидан кечирди. Аммо чекинмади. Совет халқи доҳиймиз В. И. Ленин бошлаган улуғ ишни сабот ва ишонч билан давом эттирмоқда. Душманларга, қора ниятда бўлганларга муросасиз бўлди. Уларни улоқтириб ташлади. Инқилоб душманларига қарши курашда, Улуғ Ватан урушида совет халқи ўзининг букилмас иродасини намойиш этди. Айниқса, биз учун 1941-1945 йиллар оғир бўлди. Душманлар жаҳонда биринчи социалистик давлатни йўқ қилиб ташламоқчи эдилар. Миллионлаб асл фарзандидан жудо бўлган мамлакатимиз мардона туриб берди ва ғалаба қозонди.

Сиз суратда кўриб турган уч ветеран ҳам Ватанимиз тупроғини немис-фашист босқинчиларидан озод этишда мардлик намуналарини кўрсатишди. Гитлерчи газандалар Совет Иттифоқига хиёнаткорона бостириб кирганида улар навқирон йигитлар эди. Минглаб тенгдошлари қатори фронтга йўл олишди. Тўрт йил давом этган қонли жанглар билан минглаб километр масофани босиб ўтишди. Аёвсиз жангларда кўпгина тенгдошлари қаҳрамонларча ҳалок бўлишди. Уларнинг кўрсатган жасоратлари тилларда достон бўлди, номлари тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Ота-боболаримиз айтганидек, «Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди». Йигирма миллион шаҳид бугунги фаровон кунимиз учун азиз жонини қурбон қилди. Авлодлар уларнинг муқаддас хотирасини асло унутмайди.

Урушдан аввал Қодир ака ҳозирги Лаъл Баҳодир Шастри номли 24-мактабда ўқиганди. Ўртоқлари билан шу ердан фронтга кетганди. Энди шу мактабнинг доимий, азиз меҳмони. Бу илм даргоҳида ажойиб музей ҳам ташкил этилган. Ундаги фотолар, эсдаликлар нафақат мактабнинг, юртимиз, аждодларимиз тарихидан унсиз ҳикоя қилади. Тарих эса бизнинг келажагимиз. Яқинда Қодир ака Зокиров жанговар дўстлари —Хайрулла ака Латипов ва Аъзам ака Хўжаев билан ушбу билим масканида меҳмон бўлишди. Ветеранлар ўқувчиларга босиб ўтган жанговар йўллари, қуролдош дўстлари ҳақида қизиқарли воқеалардан гапириб беришди. Шаҳид бўлганлар хотирасини доимо эъзозлаб, ёд этиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлигини ёшларга уқдиришди. Ўз навбатида мезбонлар ҳам меҳмонларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллиги билан чин қалбдан қутлашди.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

⊙ СУРАТДА: жанговар дўстлар.

ФАРЗАНДЛАРИ

Тарихнинг ўчмас саҳифалари

чайтираётганини гапириб, ҳар бир даҳа милицияялари бошлиқлари олдига аниқ вазифалар қўйди.

— Милиция отрядлари шаҳар бўйича патруллик қилишсин. Паролни билмаганлар ушлансин. Барча шубҳали шахслар қўлга олинсин. Ана шунда биз фитнанинг олдини олган бўламиз. Сизга, ўртоқ Бобожонов, масъул постни топшираман. Отряд билан вокзалга бориб, ўша ердан темир йўл ортидаги Жандарм слободкасига чиқасиз. Кейин яна орқага, Бешёғочга келасиз.

Комиссар Очил Бобожонов уйига азонлаб келган Одил Партизаннинг ҳикоясини даҳшат билан тинглади. Кеча шаҳарда узуқ-юлуқ отишмалар бошланди. Бешёғоч даҳаси милицияси бошлиғининг ўринбосари Насриддин шаҳар милицияси бошлиғи Цирулнинг олдига жўнади. Бугун эса унинг жийрон отини қизил гвардиячи Одил етаклаб келди. Эгарда Насриддиннинг ҳужжатлари, буюмлари турибди. Шаҳарда эса ҳар хил миш-мишлар тарқалди.

— Султонхўжа қамалибди!

— Низомиддинни ҳам қамашибди!

Эски шаҳар аҳли ҳаяжонда эди: таниқли етакчиларни ҳибсга олишга кимнинг ҳадди сиғибди?

— Ҳарбий комиссар Осипов Шўрога қарши бош кўтарибди.

— Ўн тўрт комиссарни отиб ташлабди.

Миш-мишлар тобора зўрайиб борарди. Очил воқеани аниқлаш учун юборган партия дружинаси ҳадеганда келавермагач, зудлик билан чора кўриш лозимлигини тушунди. Қалъа коменданти Белов Тошсовет депутати Очилни самимий қарши олди. У шаҳарда миш-мишларни тасдиқлаб ҳарбий комиссар Осипов исён кўтаргани, 14 Туркистон Комиссарини ҳийла билан қўлга туширгани ҳақида гапириб берди.

— Кеча ўғлингиз Насриддин исёнчилар билан тўқнашиб, олдимга келган эди. Уни шу ерда олиб қолдик, — деди Белов, — милиция отрядини эса орқага қайтардим. Сизларга керак, ҳозир.

Иван Панфилович Белов Першин, Шумилов, Качуринер ва бошқа комиссарлар 2-Сибирь полки штабида отиб ташланганини ҳам айтиб берди.

Ота-бола эски шаҳарга қайтишганда эса, партия дружинаси штаби раиси Низомиддин Хўжаевни соғ-саломат кўришди.

— Нималар бўлаяпти, Очил ака, — деди у томоғи бўғилиб.

— Бир бошдан гапир-чи, Низомиддин. Кейин чорасини топармиз.

Низомиддин Хўжаев кўрган-билганлари ҳақида сўзлаган сари Очилнинг вужуди ёниб борарди.

* * *

18 январь кечаси республиканинг кўпчилик ходимлари шаҳар Муҳофаза бошлиғининг кабинетида йиғилишга тўпландилар. Қуролланган кишиларнинг бир группаси темир йўл устахонасига бостириб киришга ва уни эгаллашга ҳаракат қилганлиги тўғрисида маълумот тушган эди.

Фавқулодда йиғилишга тўпланганлар орасида Осипов кўринмади. Уни қидириб топишга ва шаҳардаги аҳволни билишга аҳд қилишди. Ҳукумат аъзолари телефонда у билан боғланишганда, Осипов вазиятни муҳокама этиш учун иккинчи полкка етиб келишларини илтимос қилди. Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг раиси Вотинцев, шаҳар Советининг раиси Шумилов, шаҳар Совети раисининг ўринбосари Финкельштейн, Туркистон Фавқулодда комиссиясининг раиси Фоменко ва бошқа комиссарлар хиёнатдан бехабар ҳолда Осиповнинг қароргоҳига жўнадилар. Иккинчи полк штабида улар асир олинди ва Осипов билан Тишковский ҳукмига кўра отиб ташланди.

— Матвеев ва ака-ука Миршароповлар билан нималар бўлаётганини билиш учун шаҳар айланиб Маҳрам кўчасига бурилганимизда, — деди Низомиддин, — исёнчиларга дуч келдик. Қаттиқ олишувдан сўнг бизни асир олишиб, иккинчи полк казармасига ташлашди. Ўша жойда Качуринерни кўрдим. У кечаси менга: «Сени ва мени масъул ходимлар сифатида биринчи галда отишади, қолганларни турмага ўтказишади», деди. Бироздан сўнг эса уни чақиришди. У менга қўл узатиб: «Майли, алвидо бўлмаса, ўртоқ Хўжаев. Навбат менга ҳам етди», деди. Ташқарида ўқ овози эшитилганда уни отишганини пайқадим. Қоқ ярим кечада биз ётган хонага казаклар бостириб кириб, ола-тасир ота бошлашди. Устимга одам мурдаси тушди. Ўлганлар қатори ётавердим. Эрталаб эса Матвеев ҳам тирик қолганини кўрдим. Соқчини гумдон қилиб, тўғри эски шаҳарга келаётирмиз.

Оқ гвардиячилар қамоғидан қутилиб чиқа олган Султонхўжа Қосимхўжаев ҳам унинг ҳикоясини тўлдирди.

— Бор гапни афкори оммага етказайлик, — деди Очил, — ҳаммани митингга чақирамиз.

Тез орада Эски Жўва майдони ниҳоятда гавжум бўлиб кетди. Минбарга Низомиддин Хўжаев, Очил Бобожонов, Насриддин Бобожонов ва Султонхўжа Қосимхўжаевлар чиқишди. Низомиддин Эски шаҳарнинг митингга йиғилган минглаб меҳнат аҳлига Осиповнинг ваҳшийлиги, Шўролар ҳокимиятига хиёнати ҳақида гапиради. Унинг нутқидан сўнг сўзни Тошкент шаҳар партия комитети аъзоси, Тошсовет депутати, озиқ-овқат комитети аъзоси Очил Бобожонов олди.

Митинг аҳли бир овоздан қуролли отряд тузиш ва Осиповга қарши Янги шаҳарга юриш ҳақида қарор қилди. Бу отряднинг Осипов исёнини бостиришда рус ишчилари билан биродарлиги ҳақида большевик Дмитрий Манжара шундай ёзган эди:

— Тошкент ишчилари ҳақида гап кетганда эски шаҳар ишчилари ва косибларининг революцион жанговар ролини алоҳида таъкидлаш лозим. Ишчилар қалъасидан ажралиб қолган эски шаҳар партиявий большевиклар дружинаси уюшган ҳолда қуролланди ҳамда ишчилар қалъасига ёриб ўтди ва ишчиларнинг оқ гвардиячиларга қарши умум курашига қўшилди.

Ҳа, 1919 йил 20 январда Очил ва Насриддин Бобожоновлар, Низомиддин Хўжаев, Миркомил Миршаропов каби большевиклар раҳбарлигидаги ўзбек отряди рус ишчилари билан елкама-елка туриб оқ гвардиячиларни тор-мор қилди. 21 январь куни исён бостирилди.

* * *

Тошкент Совети раҳбарларидан бири, шаҳар Фавқулодда комиссияси раиси ўринбосари Очил Бобожонов, унинг фарзанди Насриддин Бобожонов, Низомиддин Хўжаев, Султонхўжа ва Акбархўжа Қосимхўжаев каби ўзбек инқилобчилари хотирасини абадийлаштириш тўғрисида бир фикр сира хаёлимдан кетмайди. Нега ҳанузгача уларнинг ҳайкаллари яратилмаган? Шонли инқилоб жангчиларининг хизмати бундай шарафга лойиқ эмасми? Ушбу очеркда биз биринчи ўзбек инқилобчиларидан Очил Бобожонов ва Насриддин Бобожоновнинг сермазмун ва ғаройиб умр дафтаридан бир неча саҳифа очдик, холос.

Тошкент Фавқулодда Комиссияси раиси ўринбосари (1919—1925), Туркистон КП V съезди делегати сифатида РКП (б) IX Умумроссия конференциясида В. И. Ленин нутқини тинглаган, Ильич қабулида бўлиб у билан суҳбатлашган, Тошкент умумшаҳар Совети ижроия комитети раиси ўринбосари каби масъул лавозимларда партия ва халқ ишончини оқлаб келган Очил Бобожонов ҳаёти ажойиб асарга мазмун эмасми?

Кўҳна Себзор даҳасидаги маҳалламизга туташ кўчадан ҳар гал ўтганимда мен ана шулар ҳақида ўйлайман. 63 йил умрини (1869—1932 йил) халққа бағишлаб унинг хотирасида ҳамон яшаб келаётган, ҳақли равишда абадиятга эришган инсон — Очил Бобожонов каби инқилобчиларимиз тимсолида ўзбек халқининг рус ишчилари билан бир сафда революцияда қатнашгани мужассам эмасми?

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

Санъатнинг сеҳрли олами

Бахтиёрларнинг севимли маскани

Й. Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театри драматург Баҳриддин Насриддиновнинг «Зафар ва Зуфар» пьесаси билан ўтган шанба куни ўзининг 59-мавсумини бошлади. Шу муносабат билан мухбиримиз театрнинг бош режиссёри Эргаш МАСАФОЕВ билан суҳбатлашди.

— Болаларни биз зийрак, лекин энг содда, энг самимий томошабин деймиз, шу билан бирга энг оғир табиатлиси ҳам ҳисобланади. Шу боис уларнинг кўнглидагини билиш қийин. Репертуаримиздаги кўпгина спектакллар ёш дўстларимизга яхши таниш. Шулар қаторидан янги спектакллар ҳам ўрин олган. Жумладан, ёш томошабинлар машҳур ёзувчи Лев Беловнинг «Ёввойилар орасида» ва ёзувчи Ҳожиакбар Шайховнинг «Коинот қароқчилари» спектаклларини кўришлари мумкин. Шунингдек, бу мавсумда ёш драматург Шароф Бошбековнинг «Эски Жўва Гаврошлари» асари ҳам репертуаримиздан ўрин олади.

Шуни айтиш керакки, вазифамиз театрда ёш томошабинга фақат спектакль кўрсатишгина эмас, таълим-тарбия, аҳлоқ-одобни ўрганишларига, эстетик завқ олишларида ҳам таъсир кўрсатишдир. Бунга театрда яхши шароит керак. Лекин бундай имконлар бизда йўқ. Сабаби театр биноси эски ва шу билан бирга тор. Албатта, бундай шароитда замонавий театр услубини эгаллаш жуда қийин.

Бу йилги мавсум янгиликларидан яна бири шуки, танаффус вақтларида ўқувчилар шеър, қўшиқ айтиш, рақсга тушиш каби санъат турлари бўйича мусобақалашишади. Бундай яхши тадбирларда театримизнинг етакчи актёрлари, шунингдек Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Тамара Ҳамдамова, артистлар Мўътабар Комилова, Ҳайитали Низомиддинов, Ҳакима Отахонова, Абдусамад Жўрабоев, Рустам Расулов, Ёқубжон Қутлиев, Жавлон Ғофурбеков каби истеъдодли санъаткорлар ёрдам беришади.

Энди энг асосий масала. Биз кўпинча драматургларимиздан норози бўламиз. Бу ҳақли эътироз. Масалан, нима учун маҳаллий авторларимизнинг мактаб ҳаётини акс эттирувчи асарлари йўқ! Истардикки, ёш томошабинлар театрининг репертуари мактаб ҳаёти, таълим-тарбияси, ўқитувчи, ота-она ва жамоатчилик ҳамкорлигида бўлса. Бу ёшларнинг ҳар томонлама етук, жамиятимизга содиқ ва фидокор бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этган бўлур эди. Бир сўз билан айтганда театримиз бахтиёр болаларимиз севган масканга айланиши керак.

Мавсум энди бошланди. Ўйлаймизки, юқоридаги айтиб ўтган ютуқларимиз кўпайиб, камчиликларимиз камаяди. Буни вақт кўрсатади, албатта.

Суҳбатни
Дилшод ЖАЛОЛОВ ёзиб олди.

⊙ СУРАТЛАРДА: мавсум очилишига бағишланган тантаналар ва мавсумнинг илк спектакли «Зафар ва Зуфар» асаридан лавҳалар.

Р. Альбеков фотолари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Кузнинг салқин кунлари учун

«ТАШОБУВЬТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ ЭРКАКЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ПОЙАБЗАЛЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.

Магазинлардан сиз ботинкаларни, туфлиларни, паст қўнжли ботинкаларни харид қилишингиз мумкин. Уларнинг тикилиши ва размерлари ҳар хил.

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

17-магазин — Навоий кўчаси, Марказ-4;
23-магазин — Ш. Руставели кўчаси, 43;
28-магазин — Ш. Руставели кўчаси, 144;
38-магазин — Қорақамиш (савдо комплекси);
34-магазин — Юнусобод массиви, А. Дониш кўчаси, 4-квартал, 4-уй.

«ТАШОБУВЬТОРГ» (телефон 48-70-34).

Тийин сўмни тежайди...

УЙ МУЛКИ СТРАХОВАНИЕСИНИНГ ШАРТНОМАЛАРИ БЎЙИЧА ТЎЛОВЛАР КАТТА ЭМАС. БИР ЙИЛДА У СТРАХОВАНИЕ ПУЛИНИНГ ҲАР 100 СЎМИДАН 15—25 ТИЙИННИ ТАШКИЛ ЭТАДИ, ХОЛОС.

МОЛ-МУЛКДАН АЙРИЛГАН ЁКИ УНГА ШИКАСТ ЕТГАН ҲОЛЛАРДА (ёнғин чиқиши, портлаш, сув босиши ва ҳоказолар натижасида) СИЗ ОЛАДИГАН ЁРДАМ ПУЛИ ЭСА СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИНГАН МОЛ-МУЛК ҚИЙМАТИНИ ТЎЛА ҚОПЛАШИ МУМКИН.

УЙ МОЛ-МУЛКИ СТРАХОВАНИЕСИ ЮЗАСИДАН ШАРТНОМАЛАРНИ 2 ОЙДАН 11 ОЙГАЧА ВА 1 ЙИЛДАН 5 ЙИЛГАЧА, ИСТАГАН СУММАГА ТУЗИШ МУМКИН. ФАҚАТ БУ СУММА МОЛ-МУЛКНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҚИЙМАТИДАН ОШМАСЛИГИ КЕРАК.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ БОШҚАРМАСИ.

Аниқ вақтни билай десангиз...

Аниқ вақтни кўрсатадиган кварцли «Чайка» маркали соатлар ҳамиша мода талабларига жавоб беради. Кўркам ва бежирим бу соатларни эркаклар ҳам, хотин-қизлар ҳам, ёшлар ҳам бажонидил тақишади.

КВАРЦЛИ «ЧАЙКА» СОАТЛАРИНИ СИЗ МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНДА **10-12 ноябрь кунлари ўтадиган** САВДО-КЎРГАЗМАСИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН

МАЗКУР СОАТЛАРНИ УГЛИЧДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ «ЧАЙКА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ.

ЦУМ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

Шахмат оламида

МУЗИКАНИ ҲАМ ЯХШИ ТУШУНАРДИ

Шахмат бўйича биринчи жаҳон чемпиони Вильгельм Стейниц Рихард Вагнер музикасининг зўр мухлиси эди. 1882 йилда Венага келганида у Байрейт опера театрининг Вагнер раҳбарлигидаги оркестрининг виолончель чалувчиси билан танишиб қолди. «Муҳтарам Вагнерга айтиб қўйингки,— дея илтимос қилди Стейниц, — жаҳоннинг кучли шахматчиси уни давримизнинг буюк композитори деб билади».

Стейниц маълум муддат ўтгандан сўнг Байрейт опера театри чолғувчиси билан яна учрашди. У кишн жаҳон чемпионига композитор жавобини етказди. «Вагнер самимий баҳоингиз учун сиздан миннатдор бўлганини маълум қилишни айтди. Муҳтарам Стейниц музикани анча яхши тушунади. Ҳар ҳолда, унинг нуқтаи назари менда эътироз уйғотмайди,— деди».

ШАХМАТ ҲАҚИДАГИ МАСАЛ

Шахмат мавзуидаги ягона масални XVIII асрда яшаган немис шоири С. Ф. Геллертс ёзган. У «Маймун» деб номланган бу асарида 64 катакли тахтада баҳс юритаётган рақибларга қандай юриш қилишни айтиб турган нодон томошабинлар устидан кулади.

МАНМАНЛИК

1892 йилда Американинг Балтимор шаҳридаги клубда шундай воқеа рўй берди. Ўша даврда АҚШ бўйлаб сафар қилиб юрган Эммануэл Ласкер билан Мэриленд штати чемпиони Уильям Генри Краузе — Поллок ўртасида (томошабинлар иштирокида) кўзни юмиб туриб матч ўйналди. Рақиблар бир-бирларига орқама-орқа туриб, юришларини эшиттириб айтиб туришди. Маҳаллий шахматчилардан бири тахтадаги сипоҳларни силжитиб турди ва деярли ҳар бир юришни аёвсиз танқид қилди. «Валломатлар, шахматни тахтага қарамасдан ҳам ўйнай оламан деб керилиб юрманглар тағин», дея танбеҳ берди у бир сафар.

ДОНОЛИККА ЎРГАТАЯПТИ

Машҳур итальян математиги, файласуфи ва врачи Жераламо Кардано (1501—1576) 24 ёшида шахмат бўйича олиб борилган тадқиқотлари тўғрисида асар ёзди. Аммо унинг бу иши бизгача етиб келмаган. Кардано билдирган мулоҳазалардан фақат биттасигина сақланиб қолган: «Шахмат инсонга ўзининг қизиққонлигини сақлаш, истакларини имкониятлар билан қиёслашда кўмаклашади. Бир сўз билан айтганда, унга доноликни ўргатади».

ИНСОН БОРКИ...

Лондоннинг кимошди савдосига ихтисослашаётган «Стоби» фирмаси яқинда стол ўйинлари тўғрисидаги китобларни сотиш бўйича кўргазма ташкил этди. Экспонатлар орасида Людвиг фон Альвенслебенинг 1855 йили Лейпцигда босилган «Ўйинлар тўплами» ҳам бор эди. Унда қуйидаги сўзлар ёзилганди. «Шахмат ўйинининг ижодкори олдида тиз чўкиб, бош эгамиз, Бу ўйин абадийдир, инсон борки, у яшайверади».

ИМКОНИЯТИ ЧЕКСИЗ

Аргентина ёзувчиси Хорхе Луис Борхес шахматни бир-бирига ўхшамаган миллионлаб китоб яширингиб ётган, имконияти чексиз, битмас-туганмас жумбоқли кутубхона»га ўхшатади.

ИЛҲОМ МАНБАИ

Француз рассоми Альдеркес Тектор 1470 йилда Таби Монастири деворларини безатаётиб ажал билан шахмат ўйнаётган киши тасвирланган расмни яратади. Швед кинорежиссёри Ингмар Бергманнинг айтишича, айни шу расм уни «Еттинчи муҳр» фильмида рицарнинг ўлим билан шахмат ўйнаётган пайтини акс эттиришга ундаган.

Анвар ИНОҚОВ тайёрлаган.

Келинг, бир кулишайлик

Хандалар

ПСИХОЛОГ ҲУЗУРИДА...

Врач-психолог ҳузурига келган бемордан сўради:

— Мабодо, уйқунгизда гапирмайсизми!

— Йўқ, доктор. Аксинча, мен кўпинча бошқа одамлар ухлаётган пайтда гапираман.

— Буни қандай тушуниш мумкин!

— Ахир, мен институтда лекция ўқийман-да!

КЎЗБЎЯМАЧИЛИК

— Ойи, опамга айтинг, кўзини бўямай юрсин, — деди тўрт ёшли Вали онасига.

— Нега, ўғлим!

— Кўзбўямачилик ёмон иш бўларкан, дадам айтдилар.

ҒАМХЎР ЭР

— Сен хотинингга уй ишларида ҳеч ёрдамлашасанми!

— Бўлмасам-чи, газни доим мен ёқиб-ўчираман.

ЛАГАНБАРДОР

— Салом, дўстим! Икки кун мириқиб дам олиб, мана бугун яхши кайфият билан ишга келяпсиз.

— Салом! Аммо кайфият хусусида ҳозирча аниқ бирон гап айтолмайман.

— Нега!

— Сабаби, ҳали бўлим бошлиғи ҳузурига кириб чиққанимча йўқ.

ҲОЗИРЖАВОБ ЙИГИТ

Хиёбонда гандираклаб кетаётган киши ёш йигитни тўхтатиб сўради:

— Айт-чи, болакай, меҳнат билан арақнинг фарқи нимада!

— Меҳнат маймундан одам яратган бўлса, арақ одамни маймунга айлантиради.

ЯХШИ ЖАВОБ

Бир иғвогар аёл дугонасига деди:

— Биласанми дугонажон, кеча мен эрингни бир нозанин билан хиёбонда ўтирганини кўрдим.

Эрига ишонган аёл бепарволик билан деди:

— Ия, сенингча, менинг эрим хиёбонда супурги билан челак кўтариб юриши керакми!..

ШИШАДОШЛАР...

Бир пияниста иккинчисига мақтанди:

— Эҳ! Ҳеч ким менчалик ичолмаса керак. Бир тўйиб ичсам икки кунгача ўзимга келолмайман.

— Ҳм... Шуни ҳам ичиш деб мақтаниб ўтирибсанми!— деди иккинчи пияниста. — Мен бир ичсам, ўн беш кундан кейин топиб олишади...

АНЪАНА

— Бу магазинда мол харид қилган одам, эртасига яна келади.

— Яна мол харид қилганими!

— Йўқ, олган молини қайтариб бергани. Бу анъанага айланган.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

11-12 ноябрь соат 19.30 да

М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси 50 йиллигига бағишланади

ФАХРИДДИН УМАРОВ
ва
ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ
иштирокида
УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАРНИНГ

ижодий учрашуви

Концерт программасини артист Ҳамидулла ТОШПЎЛАТОВ олиб боради.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Тошкент Давлат циркида

ФАҚАТ 20 КУН

18 НОЯБРДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

«Ўргатилган денгиз шерлари» йирик аттракциони

Ҳайвон ўргатувчи — ТАТЬЯНА ва ВАСИЛИЙ ТИМЧЕНКОлар.

2 бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа.

Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Қишлоқ жойларда яшовчи томошабинларнинг буюртмалари навбатсиз қабул қилинади.

Касса соат 10 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-20-04, 44-35-84.

Тошкент Давлат университети қошидаги ёшларни олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлайдиган

МАРКАЗИЙ КУРСЛАР

1988-1989 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсларига ўрта маълумотлилар ва 10-синф ўқувчилари Тошкент шаҳар ва Тошкент областининг Тошкент, Калинин, Орджоникидзе районлари пропискаси билан қабул қилинади.

Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, турар жойдан справка, иш жойидан справка (мактаб ўқувчилари учун ўқиш жойидан справка), 3х4 см. ҳажмида 2 дона фотосурат.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида математика, физика, тарих, жамиятшунослик, она тили ва адабиёт, чет тиллари, химия, биологиядан ҳафтасига 3 марта соат 19.00 дан университет биносида (студентлар шаҳарчаси) **олиб борилади.**

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 17.00 дан 20.00 гача, шанба куни 10.00 дан 14.00 гача ТошДУ бош корпусининг А-отсек, математика факультети, 501-хонасида қабул қилинади.

«УЛУҒБЕК» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ

марказий универмаг (ЦУМ) директори вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Номзод олий маълумотга ва раҳбарлик лавозимларида амалий иш тажрибасига эга бўлмоғи лозим.

Аризаларни бериш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун.

Аризалар қуйидаги адресда жойлашган конкурс комиссиясига берилади: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, «Улуғбек» посёлкаси, Ленин кўчаси, 21 «а» уй.

Справкалар учун телефон: 69-48-52.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ИДОРАСИ

10 НОЯБРДА

Тошкент шаҳри кинотеатрлари экранларида

СОВЕТ МИЛИЦИЯСИ КУНИГА БАҒИШЛАБ

ТЕМАТИК ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШИНИ ЎТКАЗАДИ

«МОСКВА» кинотеатрида — ДИҚҚАТ! ҲАММА ПОСТЛАРГА...

«ҲАМЗА» номли кинотеатрда — ГАИ ИНСПЕКТОРИ.

«ҚОЗОҒИСТОН» кинотеатрида — БИР ЎЗИ ВА ҚУРОЛСИЗ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/XI да **Икки дил достони** (19.00), кичик экспериментал саҳнада **Она қалби** (15.00), 10/XI да **Фауст.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/XI да **Тақдир эшиги** (19.00), 8/XI да **Келинлар қўзғолони** (19.00), 10/XI да **Қутлуғ қон.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/XI да **Музикали комедиялардан саҳналар** (19.00), 9/XI да **Нурхон**, 10/XI да **Аршин мол-олон.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/XI да **Майсаранинг иши** (19.00), 8/XI да **Келинлар қўзғолони** (19.00), 9/XI да **Парвона** (19.00), 10/XI да **Узоқ қишлоқ** (19.00).

Кино

7, 8 НОЯБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҚОРА КЎЗЛАР» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45); «ТАҚДИР» (12, 15, 18, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «МИЛЛИОНЕР ХОНИМ» (жуфт соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҲУРМАТЛИ ЕЛЕНА СЕРГЕЕВНА» (18, 20.00); «ХОҲЛАНГ — СЕВИНГ, ХОҲЛАМАНГ ЙЎҚ» (12, 14, 16.00).

Чайка — «ҚАҲРАМОН УЧУН КЎЗГУ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Ватан — «ҒАРОЙИБ ВОҚЕА» (тоқ соатларда).

Восток — «ТАҚИҚЛАНГАН ЗОНА» (14, 16, 18, 20, 21.30); «БЎРИЛАР» (13, 15, 17, 18.30, 20.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44-39-51.
Чайка — 77-06-20.
Тошкент Советининг 50 йиллиги — 78-47-25.
Қозоғистон — 35-24-92.
Москва — 68-68-81.
Ватан — 74-30-38.
Восток — 91-14-61.
Дружба — 67-96-87.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Энг қувончли кун» цирк спектакли 7/XI да 18.00 да; 8/XI да 10, 12, 15, 18.00 да; 9/XI да 10, 13, 16, 19.00 да.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

12 НОЯБРЬ СОАТ 16.00 ДА СССР КУБОГИ УЧУН

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «АСК» (Ростов-Дон).

командалари ўртасида ФУТБОЛ

СПОРТ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ ЎЙНАЛАДИ.

Серияларнинг номерлари: 058001 дан 060000 гача.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ ТУШИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билетларни ўз вақтида сотиб олинг.

ДИҚҚАТ!

ЮНУСОБОД МАССИВИДА ЯНГИ ИССИҚЛИК ТРАССАСИ ИШГА ТУШУРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

9 ноябрь соат 10.00 дан 10 ноябрь соат 24.00 гача 12, 14, 15, 16-кварталларда

ИССИҚ СУВ БЎЛМАЙДИ

«ТАШТЕПЛОСЕТЬ» КОРХОНАСИ (Телефон 33-32-32).

ТОШКЕНТ оқшоми
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 15826. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.50 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). А. 9236. Тиражи — 108.220. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10